

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун  
Шартнома ГС № 12-106/22

Элликқалъа тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари О.Р.Кулумов бир томондан ва ООО “QGAZJOYBAR” (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи А.Сейтназаров иккинчи томондан қуйида кўрсатилган объект бўйича техник кўригидан ўтказиш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Элликқалъа тумани Тупроққалъа МФЙда аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувури тортиш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 14.12.2022 йил тузилган мажлис баённомаси 201560 рақамли лот йиғилиш баённомасига асосан Элликқалъа тумани Тупроққалъа МФЙда аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувури тортиш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя етган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2-иловага мувофиқ;

- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом еттириш мақсадга мувофиқ емаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом еттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ емаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан 43 181 000 (қирқ уч миллион бир юз саксон бир минг) сўмни ташкил этади.

Қўшимча қиймат солиғи 5 632 304.35 (беш миллион олти юз ўттиз икки минг уч юз тўрт) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиқлангандан кейин молиялаштириш манбаи аниқланиб, маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. “Буюртмачи” шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорига бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди,

бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома “Бажарувчи”нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ “Бажарувчи”га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш:

- Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

- Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я’ни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7.2 Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7.3 Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва хизмат кўрсатиш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

7.4 Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар 31,12,2022 йилгача амал қилади.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу объект бўйича ҳисоб рақами очилганидан кейин, ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

### 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ:

#### “БҮҮРТМАЧИ”

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими

Бустон шаҳри Ш.Рашидов5 уй

Тел; 585-22-77

Х/р 401722860352507011402259003

ИНН 207316609

Марказий Банк Тошкент

Элликкальа Ғазначилик бўлинмаси

МФО 00014

ОКНХ 90290 ИНН 201122919

23402000300100001010

О.Р.Кулумов

#### “БАЖАРУВЧИ”

ООО “QQGAZJOYBAR”

Нукус шаҳри Бердах пр

Тел; 361-224-05-56 361-224 03 66

Х/р 2020 8000 7003 1468 4001


Нукус ш. КК отд Ипоткеа банк Нукус

МФО 00621 ИНН 200 357 199

ОКНХ 71 200

Б.А.Сейтназаров



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ISMAIL XODJANIYAZOV KERIMBAYEVICH
	Imzolangan sana	15.12.2022 10:19
	Hujjat kodi	<b>JX1648054423</b>
	Hulosa kodi	<b>WM8372057010</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

WM8372057010

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Tuprokkal'a gaz kuvur loixa xujjatlri**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ellikqal'a tumani  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**S.B.NURMAXASHEV**

15.12.2022

«Тасдиқлайман»



Эллиққалъа тумани Махалла ва  
нуронийларни қўллаб-қувватлаш  
бўлими бошлиғи  
О.Кулумов  
«14» декабр 2022 йил

Эллиққалъа тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2022 йил «ОЧИҚ БЮДЖЕТ» дастури учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган тендер комиссиясининг йиғилиш

**БАЁННОМАСИ № 6**

Эллиққалъа тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2022 йил «ОЧИҚ БЮДЖЕТ» дастури учун ажратилган маблағга Эллиққалъа тумани Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувири тортиш ишлари лойиха хужжатларини тайёрлаш учун.

Комиссия раиси	О.Кулумов	Бўлим бошлиғи
Комиссия котиби	И.Раджапов	Бош ҳисобчиси
Комиссия аъзоси	И.Ходжаниязов	Бош мутахассис
Комиссия аъзоси	И.Рахимбаев	Етакчи мутахассис
Комиссия аъзоси	Р.Машарипов	Хўжалик мудир
Комиссия аъзоси	Ж.Сатимов	Кадрлар бўйича бош мутахассис

**Тингланди**

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Эллиққалъа тумани Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувири қурилиш лойиха хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу лойиха хужжатлари баҳоларини аниқлаш мақсадида қуйидаги «GAZJOYBAR» МЧЖ, MODERN PROEKT NUKUS корхоналари такдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Эллиққалъа тумани Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувири тортиш лойиха хужжатларини тайёрлаш ишларини №201560 сонли лотга 2022 йил 9-декабр кунги баённома билан «GAZJOYBAR» МЧЖ энг яхши таклифни танлаш ёлиби болиб бу юзасидан 2 (икки) иш кун мухокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Мик дори	«GAZJOYBAR» МЧЖ	MODERN PROEKT NUKUS	
<b>Ташкилот манзили:</b>				Нукус	Нукус	
<b>Ташкилот СТИРИ</b>				<b>200357199</b>	<b>308958011</b>	
1	Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қувири тортиш	Лот № 201560 43 281 400 сўм	1	43 181 000	43 281 400	
2	<b>Умумий бал</b>			100	90.97	
<b>ЖАМИ:</b>				<b>43 181 000</b>	<b>43 281 400</b>	
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

Комиссия раиси О.Кулумов сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичида «GAZJOYBAR» МЧЖ Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш лойиха хужжатларини тайёрлаш ишларини, қисқа муддатларда сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни мухокамаси яқунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли


### Қарор қилади :

1. КК ARUN STORY МЧЖ Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш лойиха хужжатларини тайёрлаш ишларини арзон сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришни инобатга олиниб, шу қорхона билан шартнома тузилсин.

2. Ушбу Эллиққалъа тумани Тупроққалъа МФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш лойиха хужжатларини тайёрлаш ишлари сифатини назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда қурилиш ишларини қабул қилиб олиш Тупроққалъа овул фуқаролар йиғини раиси Машарипов Фахриддинга юклатилсин.

3. Ушбу қарорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош ҳисобчиси И.Раджапов ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.


Бош мутахассис

 И.Ходжаниязов

Бош мутахассис

Х.Нурумбетов


Бош мутахассис

 И.Рахимбаев

Бош ҳисобчи

 И.Раджапов

Хўжалик ишлари мудир

 Р.Машарипов